Тарихий манбаларнинг гувохлик беришича, Сохибкирон Амир Темурнинг икки кизи ва тўрт ўгли бўлган. Кизлардан бирининг исми Огабегим бўлиб, у Султон Хусайннинг онаси эди. Лекин тарихчиларнинг маълумот беришига кўра, кизлардан бири хакида хеч кандай маълумот йўк.

Ўгиллар эса Жахонгир, Умаршайх, Мироншох ва Шохрух Мирзолардир.

Тўртта ўгилдан иккитаси Темурнинг хаётлигида казо килган.

Куйида Сохибкирон Амир Темурнинг ўгиллари билан кискача танишиб чикамиз.

Жахонгир – 1356-йилда таваллуд топган.

У болалигидан отасининг бошига тушган сарсонлик, жангу-жадал машаккатларини баробар тортди. Шу тарика улгайиб, ўн уч-ўн тўрт ёшидан тажрибали амирлар каторида харбий юришларда иштирок этди.

Жахонгир 1373 йили Хоразм хукмдори Юсуф сўфининг Севинчбека исмли жиянига Конгилда катта тўю-тантана билан уйлантирилди.

Тарихий манбаларда келишича Жахонгир Мирзонинг яна бир аёлининг исми Рукия бўлиб, у амир Кайхисравнинг кизидир. Яна бир аёлининг исми эса Хонзода бўлган.

Сохибкирон Амир Темур тўнгич ўглини кўп яхши кўрар эди. Хатто у Жахонгир Мирзони валиахд этиб тайинлаб, унга ўн икки минг отлик аскарни инъом килди. Аммо валиахдга шох бўлишлик насиб этмади. Чунки у 1376-йилда, йигирма ёшида тўсатдан оламдан ўтди.

Жахонгир Мирзодан икки ўгил колди. Тўнгичи Мухаммад Султон бўлиб, Темур уни валиахд этиб тайинлади. Аммо тожу-тахт Мухаммад Султонга хам насиб этмай, фоний дунёни тарк этди. Мухаммад Султондан уч ўгил колган бўлиб, улар Мухаммад Жахонгир, Саъд Ваккос, Яхё исмли эди.

Жахонгир Мирзонинг кичик ўгли Пирмухаммад отлик эди. Темур вафотидан олдин уни валиахд этиб тайинлади. Аммо Пирмухаммадга хам шох бўлиш насиб этмади. Ундан етти ўгил колди: Кайду, Холид, Яхё, Бузинжар, Махдий, Санжар, Кайсар.

Умаршайх - 1356-йилда тугилган, 1394-йилда вафот этган.

Умаршайх Мирзо бир жангда отасининг буйругига кўра, унга мадад кучлари этаётган вактида Хармоту калъасига етганда шу ерни сайр килишни ихтиёр килди. Шу пайт бир киши ўк отаётган эди. Тасодифан ўк келиб Умаршай Мирзога тегди ва унинг умрига хотима ясади.

Умаршайх Мирзодан беш ўгил колди. Каттасининг исми Пирмухаммад бўлиб, у Умаршайхнинг отаси эди. Иккинчиси Рустам Усмон ва Алининг отаси эди. Учинчиси Искандар, тўртинчиси Ахмад эди. Бешинчиси Бойкаро бўлиб, у Мансурнинг отаси эди. Гиёсиддин Мансур Хусайн Бойкаронинг отаси эди.

Мироншох – 1367-йил тугилган.

Мироншох Мирзо Озарбайжонни бошкарар эди. У бу юртда кўплаб ободонлаштириш ишлари олиб борган, хусусан масжид, мадраса, саройлар курдирган.

Кунларнинг бирида Мироншох Мирзо шикорга чикган пайтида отдан йикилиб, боши каттик лат еди. Бунинг окибатида шахзоданинг хатти-харакатлари тушуниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. У ўзи курдирган биноларни буздириб, ичкиликка берилиб, Ўзбекхоннинг набираси бўлган хотинини хўрлашга ўтган. Албатта, ўглининг бу харакатларига карши Сохибкирон Амир Темур турли чора-тадбирлар кўрар эди.

Мироншох Мирзо отасининг вафотидан сўнг, 1408-йилда туркманлар билан бўлган

жангда халок бўлди. Аскарлардан бири жарохат олиб, чала жон бўлиб ётган Мироншох Мирзони таниб колди ва шу захоти унинг калласини кесиб олиб, найза учига санчиб, сардорлари амир Кора Юсуфга олиб борди.

Шохрух - 1377-йилда тугилган.

Бу Темурий шахзода хакида Бўрибой Ахмедовнинг «Мирзо Улугбек» номли китобида келган маълумотни келтириш оркали у киши билан танишсак:

«Вазмин ва иродаси кучли одам эди. Мулохаза билан «етти ўлчаб бир кес» кабилида иш тутарди. Колаверса, интизомли одам эди. У хох харбий иш бўлсин, хох давлат иши бўлсин, хох дини Ислом ва шариат арконлари билан боглик иш бўлсин ўз вактида, ўз ўрнида адо этишга одатланган эди. Хокони саид хар кандай шароитда хам беш вакт намозини узмас эди. Саройда ихчамгина масжиди хос бўлишига карамай, Жумъа намозини кўпчилик катори факат Хиротнинг энг катта масжидида, Гиёсиддин Мухаммаднинг жомеъ масжидига бориб ўкирди».

Шохрух Мирзо отасининг вафотидан сўнг, 1447-йилда вафот килди. Ундан тўккиз ўгил ва олти киз колди. Дунё тан олган аллома, юлдузлар илмининг султони Мирзо Улугбек Кўрагоний хам унинг фарзандидир.

Гиёсиддин Мухаммад Юсуф

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Хелда Хекхем «Етти иклим султони».
Хуршид Даврон «Сохибкирон набираси».
Низомиддин Шомий «Зафарнома».
Бўрибой Ахмедов «Мирзо Улугбек».